



Шухрат СИРОЖИДДИНОВ
филология фанлари доктори,
Самарқанд давлат чет тиллар
институти ректори

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЛИНГВОДИДАКТИКА

Бугунги ахборот олами тасаввур қилиб бўлмас даражада онгу шууримизни эгаллаб бораётган бир шароитда, халқларнинг маданий интеграцияси шиддат билан ўсаётганлигига табиий жараён деб қарасак, нотўғри бўлмайди. Шу билан бирга глобаллашув даврида миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш масаласи моддий ва номоддий буюк маданият ва дунё цивилизацияси тарихида алоҳида ўрин тутган халқларни ўйлантирувчи долзарб масалалардан бўлиб келмоқда. Чет тилларни чуқур ўрганган, дунё халқлари билан эркин муомала қила оладиган, ўз юрти, халқи, давлати манфаатларини юксак билим ва иқтидор билан ҳимоя қилишга қодир мутахассисларгина бундай улкан глобал муаммоларни ечишга қодирдирлар.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда чет тилларни ўргатиш соҳаси давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Зеро, “бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда буюк келажагини кураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир”².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 1875 сонли Қарори юқорида айтиб ўтилган давлат эътиборининг навбатдаги далолати бўлди. Ўтган давр ичида Ўзбекистондаги услубият ва педагогика илми соҳасида чет тилларни ўрганиш вазифаларига доир муаммовий изланишлар доираси бирмунча кенгайтирилди. Бу ўқув жараёнини оптималлаштиришдаги замонавий технологиялар, ўқитишда асосий янгиланиш стратегияси сифатида шахсга йўналтирилган инновацион технологияларнинг жорий

² Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1998, 8 - бет.

этилиши, талабани (тил ўрганувчини) ўқув таълимоти марказига айлантириш, ўргатиш – ўрганиш жараёнида тенг ҳамкорлик шароитини яратиш, лойиҳалар услуби, чет тил нутқи ва уни шакллантиришнинг турли йўллари тизкор ўрганишнинг оптимал услубларини танлаш, тил ўрганишнинг интерактив методлари, лингвосоциомаданий метод, ахборот педтехнологиялари, тобора ривожланиб бораётган педтехнологиялар, электрон (мультимедиа) ўқув қўлланмалари ва электрон луғатлар, аудиоматннинг коммуникатив адекватлиги, интернетдан фойдаланишнинг базавий имкониятлари ва ҳоказо жараёнларни ўз ичига олади.

Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимининг чет тилларни ўрганишнинг давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Британия кенгаши экспертлари ҳамкорлигида “Чет тилларни билишнинг умумевропа компетенцияси: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш (CEFR)”га асосланган ҳолда чет тиллар бўйича узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш устида иш олиб борилди. Яратилган ДТСларни халқаро нормалар ва чет тилларни эгаллашнинг даражалари дунё тажрибасига мослиги тўғрисида Британия кенгаши ва британиялик экспертларнинг хулосаси олинди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон қарори билан узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти тасдиқланди. Олий таълим бакалавриат йўналишлари учун чет тили фани бўйича 250 аудитория соатлари ҳажмига мўлжалланган намунавий ўқув дастури ишлаб чиқилди. Намунавий дастурни тайёрлашда таълим турларидаги узвийлик ва узлуксизлик шартлари эътиборга олинди, Европа стандартларида белгиланган тилларни билиш даражасига қўйилган талаблар киритилди. Муаллифларга эса, “Талаба китоби”, “Ўқитувчи китоби” ва “Машқлар тўплами”ни тузишда умумевропа стандартларига мос равишда тил ўрганишни таъминлаш, коммуникативликка йўналтириш, миллий йўналтирилган мазмунни сингдириш, шунингдек, аудио ва видео материалларни илова қилиш ҳамда электрон дарсликларни яратиш вазифалари белгилаб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, чет тилларни билиш турли хориж маданиятлари билан танишиш, ўзаро мулоқот орқали халқлар, давлатлар, маданиятларнинг яқинлашувини таъминлайди. Шу жиҳатдан тил ўрганувчиларда маданиятлараро компетенция малакасини шакллантириш муҳим босқич ҳисобланади. Бу эса, чет тилни мутахассислик сифатида ўқитаётган олий таълим муассасаларига маданиятлараро даражада мулоқот қилишга қодир “ҳар тарафлама маданиятли, кенг фикрли тил соҳибни”ни шакллантиришни бош вазифа қилиб қўяди. Ўқув жараёнига жорий этилиши

лозим бўлган ушбу инновацион дидактика амалиёти ўрганувчига нафақат чет тил нутқ имкониятлари ва фазилатлари, маданияти қирралари билан, шунингдек, тенг равишда ўз маданияти ва маънавий мероси билан таништириб бориш шароитини яратади. Давлатимиз раҳбарининг “чет тилларни ўрганиш, она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги лозим”³ ва “ўзбек боласига чет тилларнинг ажиб дунёсига бемалол кириши учун имкониятларни тўлиқ очиб бериш керак”⁴лиги ҳақидаги кўрсатмалари чет тилларни ўқитиш жараёнига миллий йўналтирилган матнлардан кенг фойдаланишни долзарб масалага айлантиради.

Шу асосда маданиятлараро мулоқот малакасини шакллантириш энг аввало маданият матнларига асослаган ўқитишнинг оптимал модели яратилишини тақозо этади. Тил ўқитишда коммуникатив ёндашувнинг муҳимлиги унга асос бўлади. Унинг доирасида тил ўзининг фаолият муҳити билан ўзаро боғлиқликда ўрганилади. Бунда коммуникация иштирокчилари, уларнинг ижтимоий ўрни, мулоқот шартлари ва коммуникация турлари эътиборга олинган бўлади. Мулоқот инсон фаолиятининг асосини ташкил этиб, уни ҳаракатга чорловчи рағбат, олам ҳақидаги тасаввур ва тафаккурининг асоси, инсонлар ўртасида турли самарали ҳамкорлик кўринишларига замин яратади.

Албатта, маданиятлараро мулоқот компетенцияси ўз она тили ва чет тилда мулоқот маданиятини такомиллаштиришни, суҳбат қуриш технологиясига ўрганиш, суҳбатдошга ҳурмат билан қарашга ҳам ўз навбатида мажбур қилади.

Нутқ компетенцияси сўзловчи ва тингловчидан мулоқот қоидалари бўйича билимларга эгаликни, мулоқот қонуниятлари, маданиятлараро коммуникация хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз она тилида мулоқот стратегиясини белгилаш иқтидори бўлишини талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, жамият томонидан қўйилган ўзига хос янги ижтимоий буюртма шароитида талабанинг коммуникатив компетенциясини шакллантириш учун чет тилни маданиятлараро коммуникация воситаси сифатида ўргатишда қуйидаги: нутқий коммуникация, нутқий таъсир, нутқий мулоқот стратегия ва тактикаси, матн тузишда экспликациянинг гендер лисоний воситалари, нутқ малакаси, маданиятлараро коммуникация қоидалари ва бошқа аспектларни ҳисобга олиш жуда муҳим.

Чет тилни ўрганишда ахборотни тушуниш, кодлашган ахборотни тилнинг белгилар тизимида идрок этиш муҳим ўрин тутаяди. Чет тилни

³ Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1998, 9-бет.

⁴ Ўша асар.

мутахассислик сифатида ўрганиш маданиятга оид матнларни идрок этиш спецификаси, биринчи навбатда, вербал ва новербал бадий образларни идрок этиш билан узвий боғлиқ. Чунки айнан уларда нафақат атроф-олам воқелигининг бутун турфа хиллиги намоён бўлади, балки, шунингдек, у ёки бу халқ, элатнинг маданий даврлари ҳақида ҳам тасаввур пайдо бўлади ва дунёқараш шаклланади.

Мулоқот маҳоратига фақат муайян ҳажмдаги лисоний материалларни ўзлаштириш ва коммуникацияга дахлдор машқларни бажариш орқали эгалланадиган дастлабки нутқий малака ва кўникмалар асосида эришиш мумкин. Бу машқлар имитацион, трансформацион, аналитик ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин. Улар лексик-грамматик характерга эга. Мазкур машқлар тизими шартли равишда мулоқотни ўрганишнинг илк босқичини ташкил этади. Бу талабалардан муайян ақлий мушоҳада ва вақтни талаб қилади. Бироқ ушбу босқични ўтмасдан бевосита коммуниктив машқлари ва ўқув мулоқоти жараёнида иштирок этишнинг иложи йўқ.

Замонавий услубиётда коммуникатив йўналиш чет тилни ўрганишнинг оптимал варианты ҳисобланади. Айти шу услуб чет тилни мулоқот воситасида эгаллашнинг энг қисқа йўлидир. Чет тилда мулоқот қилишни ўрганиш тилни эгаллашга амалий йўналтирилганлиги билан коммуникатив машқларнинг бутун тизимини белгилаб беради, хусусан, нутқ амалиёт мулоқоти доирасида, мулоқот шаклида ўтказилади.

Таълимнинг коммуникатив йўналтирилганлиги тил назарияси (грамматика)ни ўрганишни инкор этмайди. Коммуникатив машқлар муайян тил материални матн-намуналар, топшириқ ва тавсиялар кўринишида ўзлаштиришга қаратилган. Албатта, бу ерда лексик-грамматик назариянинг ҳажми ва ўрнини оптимал равишда аниқлаб олиш муҳим ва у ўқув жараёнининг турли босқичларида турлича бўлади. Агар ўрганувчиларнинг ўзи томонидан машқларнинг коммуникатив характери етарлича англаб олинса, яъни улар чет тилда тўғри гапириш ва ёзиш учун сўзлар ҳамда уларнинг шакллари, сўз бирикмалари ва ифодаларнинг тузилиши, лексик ва грамматик материалларни билиш, орфографик ва пунктацион қоидаларни ёд олиш қанчалик муҳим эканлигини тушуниб етсалар, шунингдек, ўқилган ва тингланган матн мазмунини тўғри англасалар ва чет тил машғулотларида ўтилаётган барча дарслар нутқни ўстириш йўлида зарурий тайёргарлик босқичи эканлигига ишонч ҳосил қилсалар интенсив равишда мулоқотга йўналтирилган машқлар тизими катта муваффақият келтиради.

Чет тилда мулоқот қилишни фаоллаштириш йўлидаги барча тайёргарлик ишлари тил ўрганиш жараёнида катта ўрин тутадиган ўқув матнларидан самарали фойдаланишни кўзда тутади. Албатта, улар ўз асосий

кўрсаткичлари бўлмиш лексик ва фразеологик таркиби, грамматик материалнинг бойлиги, мавзу йўналиши, баён фабуласи, композиция ва стилистика, семантик-мантқиқий доминантларни ифодалашдаги ўзига хослик жиҳатидан ўзаро фарқланиб турадилар. Шунинг учун ҳам ўқув матнларини танлаш ўқитиш босқичлари билан боғлиқ равишда олиб борилиши лозим. Албатта, ўқув матнларини тил материални тўлиқ ўзлаштириш талабларига мувофиқ ишлаб чиқишда олдимизда лингвоуслubbий муаммо кўндаланг бўлиши турган гап.. Уни ҳал қилишда танланадиган матнларни мослаштириш йўллари топиш зарур бўлади. Ўқув материални ўзлаштиришни енгиллаштиришга қаратилган усуллар тизими адаптация истилоҳи орқали бизга маълум. У матннинг кимга мўлжалланганлигига қараб турлича бўлади. Хусусан, норматив дарсликдаги матнларнинг адаптацияси, уй ва индивидуал ўқиш учун мўлжалланган матнлар тўпламлари адаптацияси турлича бўлади. Ўқув матнлари турфа хиллигидан келиб чиқиб адаптация усуллари кўриб чиқиш чоғида матнларни тузиш ва ишлов беришнинг аспекти йўналтирилган бўлишига эътибор қаратиш лозим бўлади. Баъзи ҳолларда, адаптация айрим тил аспекти, масалан, изоҳли интерпретацияни камайитириш билан чегараланиши мумкин. Конкрет тил аспекти билан боғлиқ равишда матнларнинг ўқув талқини турли алоҳида, масалан, лексик-семантик, фразеологик, грамматик, фонетик-орфографик, каби даражаларда олиб борилиши лозим. Шу жараёнда тарихий-этимологик, маънавий-маърифий ва энциклопедик характердаги ахборотларга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Ўқитишнинг кейинги юқори босқичларида бадий матннинг стилистик-маъновий талқинига алоҳида эътибор қаратган ҳолда кўпроқ лексик-фразеологик воситаларни изоҳлаб боришга, улардаги муаллиф ижодий методининг ўзига хослик томонларини очиб беришга интилиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида таълим йўналишларидан қатъи назар, талабаларнинг чет тилни мукамал ўрганишлари учун қулай оптимал шароитлар яратилмоқда. Ўқитувчилар талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини янада оширишда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида таълим сифатини таъминлаш ва баркамол шахсни тарбиялаш каби умуммиллий вазифани бажариш йўлидаги мажбуриятлари доирасида жиддий изланишлар олиб бормоқдалар. Бунга мисол қилиб Президентнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 1875 сонли Қарори бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва уларнинг асосий базавий муассасалари бўлмиш Ўзбекистон давлат жаҳон

тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида ишлаб чиқиладиган турли ўқув дастурлари, услубий қўлланма ва ўқитиш методикаси, чет тилнинг алоҳида аспектиларини ўқитиш технологияларини кўрсатиш мумкин.

Машғулотнинг асосий тури – аудитория машғулотлари бўлиб, ўқув соатларининг кўпчилиги қисмини ташкил қилади. Айтиш керакки, аудитория машғулотларида ўқитувчи талабаларнинг аспектилар (фонетик, лексик, грамматик) ва коммуникатив малакасини ривожлантиради, уларнинг лексикон ва чет тилда мулоқот қилиш маданиятини шакллантиради. Ўзбекистонда жорий этиладиган дастур ва ўқув ишланмаларининг чет тилни ўқитишнинг янги Модуль дастурлари талабалари асосида яратилгани ва яратилаётгани талабаларнинг профессионал билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш билан бирга матнда акс этган барча миллий-маъновий йўналтирилган ахборотни ўзлаштиришига катта имконият беради. Матнларни тузишда тезаурус – тематик ёндашув бу масаланинг ечимида катта ўрин тутади. Ҳатто нофилологик йўналишдаги олий таълим муассасасида тахсил олаётган талаба ҳам чет тил дарсларида лингвистик билимлар билан бирга ўз соҳасидан узоқ бўлмаган тарихий, адабий, этнографик ва ҳоказо маълумотларни тезаурус – тематик ёндашув негизида тайёрланган матнни ўрганиш жараёнида ўзлаштириб олади. Тажриба шуни кўрсатадики, тезаурус – тематик цикллари асосида тайёрланган курслар услубий жиҳатдан ўзини оқлаб, юқори даражада самарадорликка, талаба дунёқарашининг, коммуникатив компетенцияси билан биргаликда миллий ғурур ва ифтихорининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Шуни ҳам айтиш зарурки, тезаурус – тематик цикллари учун махсус матнларни ишлаб чиқиш бўйича бугунги кунда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2012 йили ЎзДЖУ профессор-ўқитувчилари ва магистрлари ҳамкорлигида ўзбек адабиётининг нодир намуналаридан бир қанча тарихий ва замонавий мавзулардаги романлар инглиз тилига таржима қилинди. 2013 йили элликка яқин ўзбек адибларини ҳикояларини бевосита инглиз тилига таржима қилиш ишлари бошланди ва 2014 йил ниҳоясигача тугалланиши режалаштирилган. Самарқанд давлат чет тиллар институтида ёш таржимонлар мактаби ташкил этилиб, Алишер Навоий асарларини инглиз тилига таржима қилиш ишлари йўлга қўйилди. Бу лойиҳаларнинг натижасида махсус матнлар тўпламлари яратиш ва улардан талабаларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантиришга йўналтирилган матнлар билан бирга талабаларнинг ўз халқи адабиёти,

тарихи, маънавий мероси ҳақида етарли тасаввур ҳосил қилишига имкон яратилади.